

Университетда сотувчисиз “адолат дўкони”



14:01 / 27.11.2018 2208

Чимкентдаги университетда очилган савдо дўконида сотувчи бўлмай, ўқитувчи ва талабалар истаганча товарларни танлаб оладилар ва пулини махсус ажратилган қутига ташлайдилар.

Харидорлар адолат принципига мувофиқ ўз-ўзларига хизмат кўрсатадилар.

“Бундай дўконни ташкил этишдан мақсад, ёшларда юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш, хусусан тартиб-интизомни сақлаш, тўғрилиқ ва ўз-ўзини бошқариш каби фазилатларни ривожлантириш”, дейди ғоя муаллифлари.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу каби адолат дўконлари аввалроқ Олмаота ва Остона шаҳридаги олий ўқув юртларида ҳам ташкил этилган эди. Маълум бўлишича, тажриба ижобий натижалар бера бошлаган.

Islom.uz портали таҳририяти